

2019 йил 29-октябр

“Номаълум куйдирувчи газдан” заҳарланиш мумкинми?



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайтида 2019 йил 29 октябр кунини “Навоийазот” АЖга қарашли ПВХ заводида юз берган фавқулодда ҳолатдан жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда” сарлавҳали хабар эълон қилинди. Ушбу хабар республиканинг бошқа сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқларида ҳам ёритилди. Шу муносабат билан “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти қуйидагиларни маълум қилади:

Жорий йил 28 октябр кунини ПВХ заводи ва умуман “Навоийазот” АЖ ҳудудида **ҳеч қандай фавқулодда ҳолат юз бермаган**. Шу кунини соат 17:00лар атрофида “Навоийазот” АЖ Тиббий санитария қисмига “Навоийазот” АЖ ҳудудидаги “ПВХ, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси” қурилишида иштирок этаётган 4 нафар ходим ўзларини ёмон ҳис этганликлари туфайли шахсан мурожаат этганлар.

“Навоийазот” АЖ Тиббий санитария қисми тиббиёт ходимлари томонидан тиббий кўрик вақтида уларнинг организида ҳеч қандай кимёвий моддалардан заҳарланиш аломатлари аниқланмаганлиги туфайли овқатдан заҳарланиш тахмини билан Навоий шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига “Навоийазот” АЖ хизмат автомобилида олиб борилган. У ердаги кўриқдан сўнг бир нафар ходимга шу куннинг ўзида жавоб берилган, қолган 3 нафар мурожаат этган ходимлар Республика шoshiлiнч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий вилоят филиали токсикология бўлимида олиб қолинган ва 29 октябр кунини соат 10:00 да аҳволи яхшилиги туфайли шифохонадан чиқарилган.

Айни вақтда ушбу ходимлар ўз хизмат вазифасини бажармоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, хабарда келтирилган ҳамда текширилмаган баъзи маълумотларга ойдинлик киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Яъни хабарда келтирилишича, “Тез тиббий ёрдам бригадаси воқеа жойига зудлик билан етиб борган” деб таъкидланган. **Аслида тез тиббий ёрдам бригадаси заводга келмаган**, аксинча ходимлар Навоий шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига олиб борилган.

Шунингдек, тиббиётда “Номаълум куйдирувчи газдан” заҳарланиш ташхиси ҳақида маълумот мавжуд эмаслигини маълум қиламиз.

“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати

source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/navoiyazot-pvx>